Ҳалқ депутатлари Сирдарё вилояти Сардоба тумани Кенгаши

ҚАРОРИ

2017 йил" 31" декабрь **72/34-34- сон** **Пахтаобод ш.**

Сардоба тумани маҳаллий бюджетининг 2017 йилда кутилаётган ижроси тўғрисида

Туман молия бўлими томонидан тақдим этилган туман маҳаллий бюджетининг 2017 йилдаги кутилаётган ижроси тўғрисидаги аҳборотни муҳокама қилиб, Ўзбекистон Республикаси "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг 24, 25-моддаларига биноан Халқ депутатлари туман Кенгаши қарор қилади:

1. Сардоба туман маҳаллий бюджетининг 2017 йилдаги кутилаётган ижроси тўғрисидаги ахборот маълумот учун қабул қилинсин.

2. Туман Давлат солиқ инспекцияси (А.Усмонов)нинг савдо ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахсларнинг фаолияти устидан назоратни кучайтириш ҳамда солиқ тўлаш даражасини кескин кўтариш учун шахсан жавобгарлиги белгилансин.

3. Туман тижорат банклари бошлиғи (Ш.Бегимқулов ва Ф.Маматов) банкдан ташқари нақд пул айланишини камайтириш ва бунинг натижасида даромадлар ҳажмини ошириш, иш ҳақлари ва унга тенглаштирилган тўловларни ўз вақтида тўлиқ тўланишини таъминлаш чораларини кўрсин.

4. Туман ҳокимлиги ташкилий назорат гуруҳи (А. Холбоев), туман Давлат солиқ инспекцияси (А.Усмонов), туман молия бўлими мудири (У.Йўлдошев)ларга энг йирик солиқ тўловчилар устидан доимий мониторинг ўрнатиш, хусусан, "Пахтаобод пахта тозолаш заводи" очиқ акциядорлик жамияти, "Янгиер минерал ўғитлар базаси"масуляти чекланган жамиятларига ҳамда сотиш соҳасидаги корхоналарга масъул шахсларни бириктириш ва ушбу солиқ тўловчиларнинг ҳар бирини бюджетга қарзини ундиришга қаратилган барча зарурий тадбирларни амалга оширсинлар.

5. Белгилаб қўйилсинки, туман ҳокимининг иқтисодиёт ва тадбиркорлик масалалари бўйича ўринбосари, молия ва солиқ инспекцияси

раҳбарлари билан биргаликда ҳар ойда бюджетга тушумлар тушишини бир меъёрда таъминлашни тизимли тарзда йўлга қўйиш ва бу борада хотиржамлик, лоқайдлик ҳолатларига қатьиян барҳам бериш учун шахсан жавобгардирлар.

6. Ушбу қарор ижросини таъминлаш туман ҳокимининг иқтисодиёт ва тадбиркорлик масалалари бўйича биринчи ўринбосари А.Эргашев зиммасига юклатилсин.

7. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Халқ депутатлари туман Кенгашининг маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси раиси А.Қўшманов зиммасига юклатилсин.

Кенгаш раиси **Ш. Турсунов**